

# ШАҲАР САНОАТИ ОДИМЛАРИ

## МЕҲНАТ КАЛЕНДАРИДА— ФЕВРАЛЬ

Бугун

Тошкент саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари юбилей йилнинг февраль ойи топириқларини адо этишга киришдилар.

Улар январь ойидаги меҳнат ютуқларини мустаҳкамлаш, янги ой топириқларини шараф билан бажаришни ўз олдидан асосий мақсад қилиб қўйганлар.

Бугун совет кишилари каби тошкентлик меҳнатқиллар ҳам улуг доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллик юбилейга муносиб армуғонлар тайёрламоқдалар. Янги-янги ватанпарварлик ташаббуслари туғилган ишчиларининг улуг санои катта ютуқлар билан кутиб олиш ҳақида ўйлаб-ўйлаб қўйилган эриш даражасидир.

Юбилей йилнинг дастлабки январь ойи ана шундай қимматли ташаббуслар туғилганлиги билан айниқса характерлидир. В. И. Ленин номи Бекобод металлургия заводи, Мирачулдаги В. И. Ленин номи совхоз меҳнатқилларининг улуг доҳий юбилейини муносиб кутиб олиш ва беш йиллик топириқларини барвақт бажариш юзасидан бошлаган ташаббуслари тобора кенг қулоқ ёймоқда.

Бекободликларнинг қаҳридан илҳомланган рўзгор холодильниклари заводи билан «Юлдуз» фирмаси коллективлари юбилей йили турт ойлик топириқини 22 апрелгача бажариш ташаббуси билан чиқдилар. Бекобод ва Тошкент ишчилари коллективларининг мурожаатига бошқа корхоналарнинг ишчи-хизматчилари ҳам «лабай» деб жавоб бермоқдалар.

Муҳбиримиз ана шу илгор корхоналарнинг раҳбарларига мурожаат этиб, ишчи коллективларининг меҳнатдаги зафарлари, улуг доҳий юбилейга тайёрланаётган армуғонлар ҳақида газетқиларини гапириб беришни улардан илтимос қилди. Ушбу саҳифада шахаримиз саноатчиларининг меҳнат зафарлари ва февраль ойи режалари билан танишсан.

### ХАЙРЛИ ҚАДАМ

Киров районидagi саноат корхоналарининг коллективлари махсуслот реализация қилиш бўйича ойлик топириқларини 30 январда бажариб, ҳалқ хўжалигига қўшимча ўттиз минг сўмлик махсуслот топириқларидир.

Январь ойи планининг муваффақиятли адо этилишида «Урток» кондтер фабрикаси ишчи-хизматчилари салмоқли ҳисса қўйдилар. Улар январь ойи топириқини 110 процент адо этидилар. Шунингдек, тамани фабрикаси, «Юлдуз» тикувчилик фирмаси, «Убексельмаш» заводи коллективлари меҳнат ваҳтасида туриб ишладилар.

ҚИММАТЛИ ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЙМОҚДА

ЗАРБДОР 100 КУНЛИК ДАВОМ ЭТАПТИ

СУРЪАТ ЖАДАЛЛАШМОҚДА

ДЕҲҚОН МАДАДКОРЛАРИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5.Йил чиқиши, 2 ФЕВРАЛЬ 1970 й. ДУШАНБА № 27 (1093). БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## Ленинча меҳнат ваҳтасида ЮКСАК ШИОР ОСТИДА

Б. Б. АЛИХОНОВ,

пластмасса буюмлари заводининг бош инжениери

«Беш йиллик план—22 апрелга» Фадей Ольшанский бошчилиги қилаётган 1-йиғув цехининг 250 кишилик коллективини ана шу шир остида меҳнат қилляпти. Цехнинг юздан ортқ ишчилари аллақачон бу маррани эгаллаб ҳозир 1971—1972 йиллар ҳисобига махсуслот топириқларидир.

Бекободдаги В. И. Ленин номи металлургия заводи, Тошкент рўзгор холодильниклари заводи, «Юлдуз» фирмаси коллективларининг янги ташаббуси завод меҳнатқиллари томонидан қизғин маъқулланди. Турт ойлик планни 22 апрелга бажаришга аҳд қилган коллективимиз доҳий В. И. Ленин юбилейини

пандан ташқари кўплаб электр асбоблари ва буюмлари ишлаб чиқариш билан ишонлайдилар. Тежалган кунларда тайёрланган буюмлар тўқимачилик, машина-созлик саноати корхоналарига ҳамда республика электротехника министрига қарашли заводларга юборилди.

Февралда завод меҳнатқиллари олдига буюртмаларни ўз вақтида бажариш билан бирга янги махсуслот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришдан маъсулиятли вазифа турибди. Шу ойда ҳалқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришда фонданиладиган янги «АВ-9» ҳаво бериш машинасининг дастлабки намуналари тайёрланди.

## Турт ойлик план— Ильяч юбилейига



## ҚУРИЛИШ САНОАТИ УЧУН

даси биринчи трайлернинг қисмларини йиғишга киришди. Февралда 70 тонна чўян, 70 тонна пўлат кўйма, 4 та 10 тоннали автомобиль, битта 20 тоннали қайчи крани, 960 тонна металл конструкция тайёрланиши керак. Кўришиб турибди, февраль ойи топириқини январидадан ҳам ортқ. Коллективимиз ҳар қандай топириқни удаллай олади. Улар биринчи кварталда 10 та ўрнига 12 та 10 тоннали автомобиль крани тайёрлаб бериш мажбуриятини олишган.



Бугун

эртаб рўзгор холодильниклари заводига борётиб: корхона махсуслотига талаб қандай экан деб Марказий универсал магазинга кирдим. Универсалнинг биринчи қава-тидаги холодильник кир ювиш машиналари билан савдо қилдиладан бўлим кишилар билан гапуким. Харидорлар уни, буни харид қилишляпти. Икки аёлининг баҳсига қулоқ солдим.

— Вой айлана, олаверинг, бирам яхшики— дерди тўладан келган аёл ёнидаги вешина бир жуванга. — Мулла акам «Днепр» холодильники олиб келган эдиларда, биз ҳам шундан бўлса деган эдик. Шундай қилиб, «Оазис» ҳам ёмон эмас дег, —аввал оҳангидан сўради олинки аёл ёнидаги ҳамроҳидан. — Яхши бўлса борки, асво ёмон эмас, олаверинг айланай. Мана менинг ўзим ҳам икки йилдан бери тутаман. Хали «тик» этгани йўқ. Шу гап ёш жуванга махсус тушди. У «Оазис» холодильнигидан сотиб олди. Мен ҳам харидорларнинг

## ТОНГИ РЕПОРТАЖ ЗАФАРИМИЗ—ИЛЬИЧГА!

сўздан хурсанд бўлиб корхонага ошқидим. Чунки харидор баҳоси — завод ишчилари меҳнатига берилган мукофот.

Дарҳақиқат, завод махсуслотларини харидор сеиб харид қилаётган экан, бу аввало ишчиларнинг икюдий ташаббускорлиги, резервлардан оқилона фойдаланаётганлиги махсуслидир. Уларнинг шу кунлардаги гайрат-шиқоватини кўриб бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

Холодильниксозлар Бекобод металлургияларининг В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш ва беш йиллик топириқларини муддатидан илгари адо этиш юзасидан бошлаган қимматли ташаббусига қўшилиб, шахаримиздаги саноат корхоналарининг коллективларини юбилей йили турт ойлик топириқини 22 апрелгача бажаришга чақирдилар. Уларнинг бу ташаббуси ҳам кенг қулоқ ёймоқда.

Корхонанинг ўзида эса бугун эртагидан унумли ишлаш доҳий юбилейга муносиб тўхфалар тайёрлаш ҳаракати кенг авж оляпти. Заводнинг энг йирик бўйш йиғиш чехидамиз. Цех азаматлари зиммасига февраль ойидан ҳам катта вазифалар юкланган. Шу ой ичида 4800 та «Оазис-2» холодильники конвейерлардан тушириб олинки ш керак!

Мен улуг доҳийимиз туғилган кунгача беш йиллик шахсий топириқини бажармоқчиман,— дейди у табассум билан.

У билан ёнма-ён ишлаётган Махсум Еқубовнинг ҳам режалари улкан. У юбилей йилида ҳар қачонгидан ҳам унумли ишлашни дилига туғиб қўйган. Дилдаги юксак орзулар ишчи билакларига мадад берляпти. Худди шу ишчи билакларининг гайрати туғайли



С. ЕҚУБОВ.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг илгор ишчилари Ш. Тошкентбоева ва А. Дроздов ўртокларини кўриб турибди. Улар ленинча меҳнат ваҳтасида туриб ишлаб, доҳий юбилейга муносиб тўхфалар ҳозирлашмоқда.

## Дехқонларга кўплаб машиналар

«Ташсельмаш» трактор йиғув ва тракторсозлик заводи коллективларининг деҳқонларга кўплаб машиналар етказиб бериш тўғрисида бошлаган ташаббуси юбилей йилида ҳам шахардаги қишлоқ хўжалик машинасозлик заводларининг широйи бўлиб қолмоқда.

Ана шу широй ташаббусини бўлган «Ташсельмаш» заводи пахтадорларга ўтган йили икки катерли ҳисобига 9800 та пахта териш машинаси, трактор-йиғув заводи 21086 та трактор, тракторсозлик заводи 38 мингтадан зиёд трактор ва автомобиль принциплари етказиб берди.

Шахардаги қишлоқ хўжалик машинасозлик заводлари 1970 юбилей йили учун янада юксак марраларни белгилаб олдилар. Қуйида завод раҳбарлари ўз коллективларининг юбилей йилининг дастлабки ойда эришган ютуқлари ва ишчилар олдига туғган навабдаги вазифалар ҳақида ҳикоя қилдилар.

## КОММУНИСТЛАР АВАНГАРД

П. А. ЮСУПОВ, «Ташсельмаш» заводи партия комитетининг секретари. ҲУ

«Зангори кема» яратувчиларининг бу йилги мажбуриятлари жуда маъсулиятли ва шарафли. Қишлоқ механизаторларига 10 минг 620 та (икки катерли ҳисобига) пахта териш машинаси етказиб беришимиз керак. Бу вазифани бажаришда коммунистлар ташкилотчилиги ва етакчилиги қилмоқдалар.

Хозир заводдаги коммунистлар сафи 700 кишига етди. Улар 22 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Ҳар бир асосий ва ёрдамчи цехда бошланғич партия ташкилоти тузилган. Бошланғич партия ташкилотлари цех, участка ва бригада ўз ишлаб чиқариш планларини вақтида бажариши учун қайгуради, Коммунистлар ана шу участкалардаги маъсулиятли вазифаларга қўйилган.

Бу, завод бўйича январь ойига белгиланган 450 та пахта териш машинаси ишлаб чиқариш планининг муваффақиятли бажарилишига ёрдам берди. Коммунистлар орасида қулоқ цехининг қолдиловчиси И. Нейматуллаев, Г. Адмонов, 2-цех тоқари Э. Мамайтқулов, 10-цех слесари М. Муйдинов, И. Идрисқўжаев, 22-цехнинг йиғувчиси Н. Леут каби ўйлаб-ўйлаб кишилар борки, коллективимиз уларнинг новаторликлари билан ҳақли равишда фахрланди.

Широйимиз: «Дехқонларга кўплаб машиналар етказиб бериш». Февраль ойда ҳам 450 та «Зангори кема» тайёрлаш учун кураш бошладилар. Коллективимиз белгилаган маррани эгаллайди. Чунки, бу курашда коммунистлар олдидини сафда бориб, авангардлик қилмоқдалар.

## МАРРА—4 МИНГ УЛКАН ВАЗИФАЛАР

Л. АDOB, трактор-йиғув заводининг бош инжениери.

А. Т. ГАЛУСТЯН, «Ташсельмаш» заводининг директори

Заводимизда ишлаб чиқарилаётган «ОН-16» маркали пуркагич ва пуркагич-чангалгич машиналари қишлоқ хўжалик зараркундандаларига қарши курашда пахтакорлар, сабзавоткор ва борбонларнинг ҳақиқий дўсти бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам машиналаримизга бўлган талаб тобора ортқ бораляпти.

Масалан, ўтган йили 3657 та машина тайёрланди. Бу — 1968 йилги курсаткидан 7 процент ортқидир. Юбилей йили маррани эса бундан ҳам ортқ. Яъни, деҳқонларга 4 мингта машина етказиб бериш мажбуриятини олганмиз. Отини вақтида қамчиламаски, маррани эгаллаш ссон бўлмайди. Шу сабабли қилинадиган ишларнинг аниқ графиги ишлаб чиқилган.

Январь ойига 353 та машина бериш планлаштирилган эди. План вақтида бажарилди. Ҳалқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш бўйича ойлик план муддатидан уч кун олдин адо этилди.

Е. Каточков бошлиқ 1-механика-йиғув цехи, асбобсозлик, бўйш ва бошқа цехларда ленинча юбилей олдидини меҳнат ваҳтаси давом этмоқда.

«Ташсельмаш»ликлар В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини «ОВХ-14» маркали гўзани вентиляторини усулда чанглови янги универсал машина, яратиб билан кутиб олмақдалар. Бир йўла 20 катер эгата дори сепадиган бу машина билан сменода 50 гектар ерга ишлов бериш мумкин.

Юбилей йилда завод меҳнатқиллари олдига улкан вазифалар турибди. Реконструкция натижасида янги ишлаб чиқариш участкаларини фойдаланишга топириш, махсуслот ишлаб чиқариш даҳинини ошириш каби, тадбирлар шулар жумласидандир. Энг муҳими «Т28Х-4» тракторлари ишлаб чиқариш давом эттириш билан бирга тракторсозлик заводда ишлаб чиқариши ўзлаштирилган «Тошкент» трактори учун узеллар етказиб беришдир. Коллективимиз бу маъсулиятли вазифаларини шараф билан адо этмоқда. Январь ойда 1000 та «Т28Х-4» тракторлари ишлаб чиқариш билан бирга тракторсозлик заводи учун 500 комплекс узеллар йиғиб беришга йиғини қилишнинг даражасидир.

Бекободдаги В. И. Ленин номи металлургия заводи ва рўзгор холодильниклари заводи коллективларининг ташаббусларига қўшилган завод меҳнатчилари юбилей йилининг дастлабки ойи топириқларини бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам муваффақиятли яқунладилар.

Февраль ойи топириқларини ҳам бундан кам эмас. Хозир барча цехларда ленинча юбилей олдидини меҳнат ваҳтаси давом этмоқда. Топириқларини ўриши бажариш учун график асосида махсуслот ишлаб чиқарилаётди.

В. Федоров бошлиқ 11-механика йиғув цехининг конвейерлардан сутпада 90 тага етказиб трактор йиғилётган бўлса, бошқа участкаларда «Тошкент» тракторларига 600 та узеллар йиғиб бериш ишлари суръати жадаллаштирилди.



Раҳим Ортиқов трактор-йиғув заводига меҳнат қиллади. Ўз касбининг устаси бўлган илгор ишчини корхона коллективни гойат хурмат қиллади.

И. Шоноғамов фотолари.

## ЧЕТ ЭЛЛАРДА

БУДАПЕШТ Венгрияда 29 та янги йирик саноат корхоналари қурилиши 1970 йилда тугалланди. Булар орасида Дьердаги мотор заводи ва автошиналар учун запас қисмлар ишлаб чиқарувчи завод, Нергешуйфадаги сунғий

Шимолий чехия об-ластининг қадимий Либерец шаҳри чехки-сида янги уй-қой райони лад кўтармонди. Бу иморатлар қурилиб бўлганидан кейин жуда яхши планлаштирилган ва усунуланган бўлади.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ



Янгиликлар

МАГАДИШО, (ТАСС мухбири В. Яровой хабар беради: Сомали саноат ва транспорт министрлиги Лас— хорда авто-матлаштирилган янги балиқ консерва заводи фойдаланиш учун қабул қилди. Бу завод Совет Иттифоқи...

нинг техника ва моливи ёрдами билан қурилган эди. Ана шу замоний корхона йилда олти миллион ширини давлат секретари Абдуқодир Ален Абдулла ва саноат ҳамда савдо-сотиқ йиғича давлат секретари Махмуд Геле Эднин нутқ сузладилар.

Улар совет ва Сомали ишчиларига, шунингдек қурилишдаги дўстона ҳамкорлиги ва молиявий ёрдами учун СССР ҳукуматиға соғлиқ халқи номидан миннатдорчилик ва санимий ташаккур билдирилди.

ФОТО-ОБЪЕКТИВДА ИТАЛИЯ

Неаполдаги Гарибальди майдони.

РИМ. Италия пойтахтида кўпгина қадимий ёдгорликлар сақланиб қолган. П. Борисов фотолари.



ЖАЗО ОТРЯДЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ

Озодлик матбуот агентлиги жапоний Вьетнамдан хабар беради: Жабуий Вьетнам миллий озодлик fronti марказий комитетининг шу йил 26 январда тарқатган баёнотида Жабуий Вьетнам дидеида Америка агрессорларининг қилган ваҳшийликлари тўғрисида янги-янги фактлар келтирилди. Унда маълум қилиндики, Америка — Сайгон қўшинлари ўтган йилнинг октябрида Куанггай тинч аҳолисидан 300 кишидан қонли ўч олганлар. Жа...



Шу йил 2 февралда, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлатининг атоқли арбоби, саркарда, В. И. Лениннинг шоғирди ва сафдоши Қизил Армиянинг ташкилотчи раҳбарларидан бири Михаил Васильевич Фрунзе туғилганга 85 йил тўлди.

Михаил Васильевич Фрунзе Владимир Ильич Ленин билан танишди. В. И. Лениннинг большевистик фракция мажлисларидаги ва съездедаги нутқлари М. В. Фрунзеда жуда катта таасирот қолдирди. У В. И. Ленин сиймосидан фақат рус ишчилар синфининг дохйисининггина эмас, балки халқаро ишчилар харақатининг дохйисини хис этган ва кўрган эди.

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати чет эл ҳарбий интервенцияси ва гражданаар уруши йилларида бир неча марта М. В. Фрунзени оғир уришларга юборди. 1918 йил июлда М. В. Фрунзе Бутун Россия Советларининг У съездида қатнашди. Сўз эсерларнинг Москвадаги исёнини бостиришда унинг асосий ваъзаси партия биллигини тиклаш эди. Съезде...

Ажойиб саркарда 1920 йилнинг бошларида армияга кўмондонлик қилиш билан бирга Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети, Халқ Комиссарлари Совети ва РКК(б) Марказий Комитетининг Туркистон ишлари бўйича комиссиясининг аъзоси бўлиб ишлади. М. В. Фрунзе кўмондонлигидаги Туркистон fronti қўшинлари Туркистондаги ички контрреволюция билан ажрабий интервенциянинг бирлашган кучларига қаршилик зарба берди. М. В. Фрунзенинг Туркистонда бўлиши бу ерда Қизил Армияни ташкил этишда, ички ва ташқи контрреволюцион кучларни тор-мор келтиришда ҳамда Улқада Совет ҳокимия...



Шифокорларимиз халқ саломатлигини доим назорат қилиб туришда. Сиз бу суратда Сегрега районидagi 25-поликлиниканинг филиалда хизмат қиляётган жокутор Иван Дмитрий Хетайки кўришисиз. У беморнинг саломатлигини текширмоқда. И. Шонюгомов фотоси.

Юбилей объектлари Фабрика қурилишида

Кафтек асфальт йўли ёқалаб бораркансиз ўнг томонда қад кўтарган улкан бинолар тўғрисида ўзининг салобати билан кўзга яққол ташланиб турган катта қурилиш майдони эътиборингизни жалб этади. Шу ерда Узбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг қарашли 2-тикувчилик фабрикаси учун тўрт қаватли янги бино қуриляпти. Бино лойиҳасини тайёрлашда 4-давлат лойиҳа институтининг архитектори Л. Петушкова ва инженери А. Анисимова ўртаклар икоидий иш олиб борилад.

— Бизнинг 550 кишилик фабрикамизда шу кўнга қадар ҳар йили 790 минг сўмлик ялли махсулот, олти миллион 205 минг сўмлик товар махсулотни реализация қилинарди ва бир миллион 200 минг сўм соф фойда олинарди, — деб хикоя қилади фабрика директори В. Лебедева. — Янги фабрика ишга туширилгач, ишчилар сони 1.200 кишига етди, ўнинг махсулот ишлаб чиқариш қуввати икки баробар ошди. Ишчилар учун кўшимча алоҳида ошхона, клуб, дам олиш уйи ва бошқа ердими бинолар ҳам қад кўтарилди. Қарийб тўрт гектар майдондаги фабрика хоҳлиси атрофи турли хил манзарали дарахлар ва ранго-ранг гуллар билан безатилади.

Хозир бинонинг иккинчи қаватидаги асосий ишлар тугаланиб, учинчи қаватда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилямоқда. Бинонинг биринчи қаватида хом ашё материаллари ва тайёр махсулотлар сақ...

варларнинг ҳар бири юқори сифатли иш бажариши билан кўнлик ва олийк нормаларини доимо ортиги билан ўрнатиб келмоқда. Утган йил Ташкент Политехника институтини аъло баҳолар билан битириб, қурилишга йўлланма олиб келган мутахассислардан Р. Галиева, Т. Муратов, Э. Шерова, И. Гаврилова ва Б. Ханрова каби еш биноқорлар ҳам тажрибкор устлардан орқада қолган йўқ. Улар ҳар кун би ярим-икки нормадан иш бажариб, бутун коллектив хўрматига сазовор бўлишяпти.

Социализм мамлакатларида

ГАВАНА

Болаларнинг соғлигини муҳофаза қилиш— Куба революцион ҳукуматининг энг муҳим ваъзифаларидан биридир. Революция галаба қилгандан кейинги даврда кўпгина болалар боғчалари ва ясилар, поликлиникалар қурилди, врачлар ортиб бормоқда, соғлиқни сақлаш ишлари ажратилмаган маблағ йил сайин кўпаймоқда. Мамлакатда болалар ўртасидаги ўлим, деб ёзди «Грама» газетаси, революциядан илгариги даврга нисбатан бир неча баравар камайди.

30 январда Кубада полиомелит билан кураш юзасидан бутун мамлакат миқёсида 9— кампания бошланди. Тўрт ёшгача бўлган ҳамма болалар эмланди. 1965 йилдан буён Кубада ана шу оғир касалга мубтало бўлган бирорта ҳам бола рўйхатга олинмади. Полиомелит билан курашишда совет вақцинаси Куба врачларига ёрдам бермоқда. (ТАСС).

БЕЛГРАД

Югославия халқ хўжалиги бу йил 23,5 миллиард килловат-соат электр энергияси олади. Шу жумладан, янгидан қуриляётган электр станциялари ана шу электр энергиянинг 3 миллиард килловат-соат электр энергиясини ишлаб чиқаради.

Сава дарёсининг ўнг соҳилидаги Обреновец электр станцияси тез орада ток беради. Бу ерда биринчи турбоагрегатни монтаж қилиш тамомланди. Совет Иттифоқи ва Чехословачия бу станция учун керакли асосий машина— ускуналарни етказиб беришди.

«Косово — 3», «Тузлар», «Сисак» ва «Канаш» электр станциялари бу йил ишга туширилади. Ана шу станциялар СССР билан ҳамкорликда қурилямоқда. (ТАСС).

БОЛГАРИЯ

СОФИЯ, Давлат ахборот бошқармасининг Болгария газеталарида аълон қилинган маълумотларидан айтилишича, бултур Болгариянинг миллий даромади 7,7 процент кўпайган, саноат ишлаб чиқариши эса 10 процент ошган. Иқлим шароити нуқулдай келганлигига қарамай, қишлоқ хўжалигининг ялли махсулоти икки процентдан зиёроқ кўпайган. Бугдойзорнинг ҳар бир гектаридан ўрта ҳисобда 24,5 центнер ҳосил олинган. Транспорт ва алоқа, савдо ва қурилишни ривожлантиришда янги муваффақиятлар қўлга киритилган.

Халқ Болгариясининг 25 йиллик юбилей йилида эришилган натижалар, дейиладки аълон қилинган ахборотда, ҳозирги беш йиллик пилани муваффақиятли бажариш учун негиз бўлади. 1970 йилда асосий диққат-эътибор ишлаб чиқариши тагин ҳам чуқурроқ ихтисослаштиришга ва концентрациялашга, фан ва техника муваффақиятларини ишлаб чиқаришга тагин ҳам тезроқ жорий қилишга қаратилди. (ТАСС).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ-ҲАҚИҚИЙ ДЎСТИМИЗ

ЛАГОС, Нигериядаги давлатларнинг тутган йўлини таниқ қилган Нигерия радиоси ўз шарҳларида қуйидагиларни таъкидлади: «Нигерия бошдан кечирган энг оғир пайт...

ларда вафосиз дўстлар уми лақилатган эдилар. Совет Иттифоқи эса Нигериянинг ҳақиқий дўсти сифатида ҳаракат қилди. Нигерия радиоси Англия, АҚШ ва Франциядаги бошқа давлатларни «бахтли-саодатли пайтидагина дўст» деб атаб, ўз шарҳларида қуйидагиларни уқтириб ўтди: «Россия мамлакат ичкарисидagi исённи бостиришда Нигерияда бошқа ҳар қайси мамлакатдан кўра кўпроқ ёрдам берди».

Радио, жумладан, Қўшма Штатларнинг позициясига тўхталиб, АҚШ ҳукумати «бетаарафлик сиёсати йўлини тутган бир пайтда» унинг марказий разведка бошқармаси исёвчилар лагерига кўп миқдорда қурол-армоқ ва пул юбориб турди», деб таъкидлади (ТАСС).

СОВЕТ САНЪАТИ «ЭКСПО-70» КЎРГАЗМАСИДА

ТОКИО, ТАСС мухбири Г. Гавриленко хабар беради: «Экспо-70» жаҳон савтаскасида совет павильони экспозицияларини жиҳозлашга доир схири ишлар жадаллик билан олиб борилямоқда. Бу ердаги кузатувчилар совет павильонинг энг кўрак павильонлардан бири бўлади, деб нутмоқдалар. Экспонатлар жаҳонда биринчи бўлиб, улуг Ленин Барпо этган социалистик давлатнинг ерлик асосдан кўпроқ тарихи мобайнида совет киши...

СОВЕТ САНЪАТИ «ЭКСПО-70» КЎРГАЗМАСИДА

Большой театр сингарини машҳур музика ва театраль коллективлари тармош кўрсатишлари келрак. Виставка томошанбинлари танкили совет пианиночиси С. Рихтер концертларини тинглашлари мумкин. Бу ерда Архангельск шимол халқ хори ва турли жанрдаги еттига ердики группа ҳам бунди.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

— Стокгольм

Швециянинг меҳнат бозорига вазиет кескинлигича қўймоқда. Корхона ағалари, шунингдек касабасоноз раҳбарларнинг мамлакатдаги саноат корхоналарида забастовкалар тулқинининг йўлини тўсди соҳасидаги тадбирлари ҳеч қандай натижа бермаётди.

Бир қанча заводларда ишчиларнинг меҳнатга ҳаққоний ҳақ тўлаш тўғрисидаги талабларини қондириш юзасидан қизгин музокарали олиб борилямоқда. Ана шу заводларнинг баъзиларида корхона ағалари ишчиларнинг норозилигига барҳам бериш ва янги статикаларга йўл қўймаслик мақсадига маълум даражада ён бердилар.

Корхона ағалари қайсарлик қилмаётган заводларда ишчилар яна иш ташлаш йўлига ўтдилар. Норчепингда энг йирик корхоналарда — «Гудьир» резина буюмлари заводига ва «Нефа» телевизион ускуналари заводига шундай ҳаракатлар бўлди. «Сааб» концернининг Трельхеттадаги заводига яна статика бўлиб ўтди.

Шимолги Швеция кон ишчилари бир ярим ойдан буён иш ташламоқдалар. Улар иш ҳақининг оширилишини ва меҳнат шартининг яхшиланшини талаб қилмоқдалар.

Лондон

Англиядаги ўқитувчилар иш ҳақини ошириш тўғрисидаги ўз талабларини қўлаб-қувватлаш юзасидан 8 кунлик забастовка ўтказмоқдалар. Мамлакатнинг кўп районларига ёйилган забастовкада 6.500 га яқин ўқитувчи қатнашмоқда.

Рим

28 январда Италиянинг ҳамма қисмида аэропорт техника ва йдора хизматчиларининг 24 соатлик забастоваси бошланди. Иш ташловчилар меҳнат шартини ва моддий аҳолиларини яхшилаш тўғрисидаги талаблари маъмурилар томонидан қондирилиши учун курашмоқдалар. (ТАСС).



Котбус шаҳрида (ГДР) қурилган янги болалар муассасасида 200 кичкинтой ўзини ахши ҳис қилмоқда. Бу ерда мактабгача ва ясли ёшдаги болалар ахши парварши қилинади. АДН—ТАСС фотоси.

# «Баҳор» — ёшлик, гўзаллик

**Х**АР ОҚШОМ саҳна пардаси кўтарилганида «Баҳор» ансамблининг қизлари гўзаллик ва нафосат тимсоли бўлган «Баҳор» рақсини ижро этишди. Ленин программасида ҳар бир артист ва созанда учун янада азинроқ рақс бор. Унинг исми «Озодлик». Бу хореографик картинани чинакам миллий баъет деб аташ мумкин. Раққос қизлар ушбу рақсда ўз оналари ва оналарнинг ўтмишини, бахтсиз ва гамгин қисматини тасвирлайдилар. Инчилобнинг дастлабки ишлариданоқ аёллар ичкари азулматни ва паранжини тарқ этдилар. Озодлик учун қўлга кўроқ олдилар. Кўпгина ўзбек аёллари «Хужум» даврида мардларча курашб ҳалок бўлдилар. «Озодлик» рақси мана шу курашнинг тимсоли ва унга қўйилган санъат обидасидир. «Гулсара» рақси ҳам бу мавзунини тўлдирди.

... Гулсарани озодликка интилагани учун, паранжини улоқтиргани учун ўқидилар. Ленин унинг ишини бошқа аёл давом эттирди. Диндорлар уни ҳам ўқидилар. Ленин ўнлаб, юзлаб, минглаб аёллар озодлик қўрбонларининг курашини давом эттирдилар. Ун минглаб аёллар театрларга, мактаб ва техникумларга, институтларга йўл олдилар. Улар фабрика ва заводларда ишлашдан тортиб, министрлик ва республика парламенти-гача ўсиб етишадилар. 30-йилларда машҳур драматург Комил Яшин 20-йиллар қаҳрамони Гулсара ҳақида пьеса ёзди. Гулсара томошабинлар қалбидан чуқур жой олди. Хоёр эл ўртасида шуҳрат қозонган раққос ва балетмейстер Мукаррама Турғунбоева бундан ўттиз йил илгари биринчи марта «Гулсара» рақсини ижро этган эди. Бугун бу рақсини «Баҳор» ансамблининг ёш артисткаси Дурдона Зиёхонова ижро этди. Бу қиз паранжичачовини фақат музейда кўрган.

**А**НСАМБЛЬ ташкил этила бошлаган бир пайтда 1957 йили республикамиз Москвада бўлиб ўтган Жаҳон ёшлар фестивалига тайёарланган эди. Ушда пайтда ансамбль артистлари Тошкент хореография билим юртини битирган қизлар эди. Унинг раҳбари қилиб билим юртининг педагоги Мукаррама Турғунбоева тайинланди. У ансамблини «Баҳор» деб аташни таклиф қилди.

Ансамблининг ҳар бир томошаси баҳор таронаси билан бошланади. Бу рақсда кўп асрлик миллий анъаналар совет рақсининг бугунги анъаналари билан қўшилиб кетган. Ленин программасида қадимий афсоналарни тасвирловчи рақслар ҳам кўп. Андижон ва Самарқанд «Беҳишсарғи» ана шундай қадимий рақслардан биридир.

Андижон рақси ансамбль тунтилгандан буюн муваффақият билан ижро этилади. Мукаррама Турғунбоева бу рақсдаги нафосатини ҳам, хушхандчи томонини ҳам томошабинга етиб борадиган даражада муваффақиятли саҳналаштиради.

Тошкент «Баёт» рақси эса қадимий маком усулида ижро этилади. Ленин рақсининг эмо-

## ЎИРЎ РАҚҚОСА

ционал курашнинг замонавий услубга яқин. «Баёт» жўшқин оҳангларида, кучли драматизмда ижро этилади.

«Пилла» ёки «Пахтакор» рақсларига эътибор беринг.

**Б**ИРИНЧИ рақсда раққоса гўё пилла-нинг жўшқин тоғларини илаиб олаётгандай оҳида ҳаракат қилади. Сиз унда бармоқларининг нафис ҳаракатини ҳам, меҳнат поэзиясини ҳам аниқ кўрасиз. Ўзбек халқ иллагашлик билан бир неча асрлардан буюн шугулланади. Бу рақс эса яқиндагина, бундан ўттиз йилгача илгари яратилди. «Пахтакор» рақси ҳам бизнинг замонамизда яратилган. Уни 1936 йили Мукаррама Турғунбоева ижод этган. Пахтакорлик касбини меҳнат дратди, санъаткор эса унинг поэзияси ва кўшочини тараннум этди.

Фаргона рақсларининг ҳам ўзинга хос хусусияти бор. Улар Бухоро ёки Хоразм рақсларидан фарқ қилади. Фаргона рақсида ўзинга хос ситил нафосат, гўлдек ноҳиклик бор. Ансамбль программасида Фаргона рақсларини кўп. Балки ансамблининг «Баҳор» деб аталганидандир. Негакки баҳор ҳамшиша нафосат ва гўзаллик тимсоли бўлиб қолади. Ўзбек хореографиясининг вакиллари Фаргона рақсларини баҳор тимсоли, қадимий Хоразм рақсларини эса табиат олтин либосига кирган, ер ўзининг ҳосилини етиштириб одамларга тақдир этгандай аjoyиб фойла-туялар фаслининг тимсоли деб таърифлайдилар.

**Ў**ЗБЕКИСТОНДА расми бўлган кўлаб Фаргона рақслари ичда ансамбль раққосалари «Дилдор», «Гулноз», «Фаргона рубойиси», «Ўйясини», «Бахтлиман», «Шабодалар», «Муножот», «Катта Ўйин», «Танакор» рақсларини кўпроқ ижро этишди. Ҳар бир рақсининг ўз тарихи, ўз характери бўлганидек, уларни ижро этувчи қизлар ҳам ўзларига мос асарларни танлайдилар. Дилдор Каримова «Бахтлиман» рақсини бутун вужуд билан ижро этди. Шунда сиз унинг киефасида чинакам бахтиёр қиз сиймосини кўрасиз.

Мукаррама Турғунбоева қадимий ва замонавий рақслар асосида Алишер Навоий юбилейига бағишланган «Мақом» рақсини ярат-

ди. Бу рақсини «Навоий хотираси» деб аташа ҳам бўлаверди. Раққоса қадимий Самарқанд миниатюраларида тасвирланган парилардек нафис кийинган. Асарда аллақандай қатъият, кесилиш бор. Бу асарни ҳудди «Танавор» сингари хореографик дoston деб аташ мумкин.

«Танавор»ни халқ рақси деб аташадими биринчи муаллифи борлигига ҳам шубҳаландилар. «Танавор» муҳаббат ҳақида, ибодли ва сирли муҳаббат ҳақида, ҳазиллик ва бахт орузи ҳақидаги dostonдир. Шунинг учун ҳам бу куй Мукаррама Турғунбоеванинг концерт репертуридан гавҳардек ярадиб кўринади.

**М**УКАРРАМА Турғунбоева Алишер Навоий юбилейига яна бир асар тайёрлади. Бу рақсини бир кўринишли балет деб аташ мумкин. Хореографик кўриниш мазмуни Навоийнинг «Сабъан сайёр» dostonидан олган. Етти гўзал раққоса етти қадимий давлат—Ҳиндистон, Фаргона, Хоразм, Бухоро, Эрон, Арабистон, Пажиқоб рақсларини ижро этди. Саҳна қадимий ўзбек анъанаси—мушонара формасида қурилган. Раққосалар Раъно Ниёмова, Тамара Юнусова, Гулсара Нуриддинова, Румийа Едиханова, Гулсум Ҳамроева, Дурдона Зиёхонова, Ойдин Соатов ва сеҳрли рақсини бағишлайди.

Бу хореографик асарда ўзбек халқининг характери рағзий маънода тасвир этилган. Халқнинг дустлик ва интернационализмга интилиши ўз ифодасини топган. Бундан 500 йил илгари халқимизнинг аjoyиб фарзанди Навоий ҳам шуни оруз қилган эди.

Ансамбль программасида бир неча Бухоро рақслари бор. Булар асосан «Давра», «Салом, қизлар» рақслари айниқса ажралиб турлади. Бухоро рақслари муҳаббат ва шижоат тимсолидир. Бу рақсларда Бухоронинг қайноқ кўйиши ҳам, бугунги кунда Москва билан—Парижда, Ҳоҳира билан Монреалда ўз мингаларча ишчиларни қойил қолдирган зардушлик санъати ҳам акс эттирилган.

**К**ўПЛАБ ўзбек рақсларида қўшиқ садолари янграгандек бўлади. Уларда қизларнинг қалби ва вужуд акс этади. Масалан: «Ялла» шу тахлитдаги асар-

лардандир. Кўпгина рақслар эса фақат доира ёки ногора жўриғида ижро этилади. Бунда раққосаларнинг ҳаракати мазкур куй оҳангли билан қўшилиб уюшиб кетади.

Ансамблимизда чолгу асбоблари кўп эмас. Ленин уларнинг ҳар бири ўз тарихига эга. Най эрта баҳорда тол ёғочидан кесиб олиб ясалган, шунинг учун ҳам унинг қуйлари маҳзун, деган афсона бор. Доира садолари эса баҳодир йиғитнинг отда олиб келаётганини эслатади. Агар чанг садолари ўйчан ва майин туйгуларни уйғотди. Тантана ва туйлар оғи келганида эса худди шундай тантанавор ва баланд овозли карнай садолари янграйди. Карнай овозининг ўзинё бахтдан далолат беради. Гармон садолари эса Хоразм рақслари билан омухта бўлиб кетади.

Ўзбекистонга меҳмонлар кўп келади. Улар ансамблга ҳам киришади. Шунда ансамбль қатнашчилари меҳмондустлик одатига амал қилиб, ўз ҳаммасларига рақс соғва этишди. Шунингдек ўзлари ҳам қардош халқлар рақсини ўрганадилар. «Баҳор» программасида рус, украин, белорус, куба ва испан рақслари бор. Ленин ансамблга кўпинча энг яқин қўшилар тожики ва қирғизлар, қозоқ ва озарбайжонлар, қорақалпоқ, татар ва бошқирлар меҳмон бўладилар. Бу халқлар рақси кўп томонлари билан ўзбек рақсига ўхшаб кетади. Тожиқ рақслари Бухоро рақсларига, қорақалпоқларники хоразмликларникига, уйгур рақслари эса андижонча рақсларга жуда ўхшайди. Ансамблда совет шарқининг кўплаб рақслари бор.

**Б**АҲОР ансамблининг артисткалари араб, ҳинд, покистон, панжоб, корея, ва афрон рақсларини ижро этганда, завқланмайдиган томошабин йўқ. Ҳинд рақсининг мукамал ҳаракатлари ҳам, покистон рақсининг лирикиси ҳам, панжоб рақсининг жўшқинлиги ҳам бутун нафосат билан ижро этилади. Бутун ансамбль қўшни ва чет эл халқлари рақсларини ижро этаркан уларни бутун мукамаллиги билан ҳис қилади ва тараннум этишга уринади.

**М**УКАРРАМА Турғунбоева замонавий ўзбек халқ рақсининг ижодкоридир. У халқнинг қадимий хореографик асарларини ҳам замонавий ҳаёт руҳи билан бойитди. Шунинг учун ҳам унинг санъати унинг раҳбарлигидаги ансамбль санъати томошабинлар қалбидан ҳамшиша чуқур жой олади.

П. КОПЕЛИОВИЧ.

«Баҳор» халқ Давлат рақс ансамблининг директори.

★ «Баҳор» ансамбли ўн ёшга тўлди. Ансамбль ижодида қадимий ва замонавий анъаналар уюшиб кетган. ★ Ўзбекистон раққосалари жаҳонни забт этмоқда. ★ Ансамбль янги программасини В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллигига бағишлайди.



Ансамбль солисткаси Дурдона Зиёхонова.



Дилором Каримова рақс ижро этмоқда.



Оркестр солисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Раъно Ниёмова.



«БАХОР ВАЛЬСИ»  
Б. Краец фотолари.



ЎИРЎ ХАЛҚ РАҚСИ.

**Ташаккур**

«Баҳор» ансамбли қайбир мамлакатда бўлмасин, унинг концертлари уша мамлакат ҳаётида ҳамшиша сезиларли на қолдирадими. Кўпинча ўзбек ансамбли келишидан анча илгари билетлар сотиб олиб қўйишади.

Санъат тили чиндан ҳам интернационалдир. Санъат одамлар билан таржимонсиз сўзлаша олади. Рақс, куй қўшиқ бошқа бир мамлакатга ўз мамлакатининг одамлари ҳақида бемалол ҳикоя қилади. Бахтиёр, оод ва эркин аёл ўз халқи ҳақида ҳикоя қилар экан, бу кўпгина Шарқ мамлакатлари аёллари учун ихтиро бўлиб туюлади.

«Баҳор» рақслари, — деб ватан эди «Кобул таймс» газетаси. — Совет Ўзбекистонни хотин-қизларнинг эркин ҳаётидан дарак беради. Унинг программаси эса ўзбек халқининг улкан тафаккури меvasидир».

«Революцион Африкени газетаси эса бу ҳақда шундай шарҳлайди. «Ўзининг қадимий миллий маданиятини янги социалистик анъаналар билан мухорира жипслаштира олган серкуеиш Ўзбекистон вакиллари биз учун катта янгиллик бўлиб қолади».

«Баҳор» ансамблининг чет-элдаги гастроллари олим бошлангача ўзбек социалистик санъатининг гуллаётгани, коммунистик партия ва Ленин гошлари руҳида тарбияланган санъатнинг яшанган ҳақида ҳар қандай далилдан кучлироқ ҳикоя қилади.

«Трипол» газетаси «Ат-Талия» бу фикрга айланди катта эътибор берди.

«Ансамблининг эркин санъати артистлар ўзга бир дунёда — Совет Итифоқида яшаётганини томошабинга икки келажатга, тинчлик ва бахт-саодатга ишониди».

Шу ерда қайдиган «Тон» газетаси ҳам бу фикрни қувалтайди.

«Ансамбль рақслари ўзбеклар фольклорининг ниҳонда бой эканлигини дарак беради».

«Ўнгишдан ортиқ ёш, гўзал раққосалар гўзал кийимлар кийиб олиб, рақсга тушарканлар, ўз баданларини намойиш қилиш ва арзон қийчуларга сабабчи бўлишни эмас, бундан юқорироқ, улуроқ санъати намойиш қилдилар» — деб ёзади Жа-зорда чиқадиган «Ар-Ранд» газетаси.

Машҳур ўзбек ансамблининг чет элдаги гастроллари дўстларимизни қадимий санъат билан, меҳнат ва ёшликни, ҳаёт кувончи ва муҳаббатни, тинчликни улугуловчи шу куннинг рақси билан мамнун этдилар.

## САНЪАТГА БАҒИШЛАНГАН УМР

Ўзбек миллий рақсини машҳур раққоса Мукаррама Турғунбоева ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайдими. Табиат унга алоҳида истеъдод берган. Раққоса рақс тили билан сўзлаш билди. Артистанин бадий фантазияси гўё қўш қаб қанотларини ёйиб, рақс фольклорининг чуқур ўтмишини шарҳ қилади, унинг ижодий излаишлари эса бугунги гўнча тахлит этади. Шу тариқа саҳнада ўзбек аёлининг ҳар қандай зулдан холи, эркинлар билан бир қаторда давлат ишларида, барча соҳада, илмий ва ижодий фаолиятда баравар туриб меҳнат қилётган бахтиёр аёлининг киефаси пайдо бўлади.

Мукаррама Турғунбоева фаолиятининг бошланғичи Совет Ўзбекистонда янги социалистик маданият руҳида топа бошлаган пайтга тўғри келди. Артистанин ўзи ҳам бутун истеъдоди, ақлироқлиги ва қалбини халқ шинга бағишлаган санъаткорлардан бири бўлди.

СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Мукаррама Турғунбоеванинг ҳаётини ўзбек халқ рақси тарихидан ажратиб тасаввур қилиш мумкин эмас. Артистка рақсини яратди ва у билан яшайди. Турғунбоева ўзбек классик рақсларининг замонавий ижро стилларини яратди. «Баҳор» ансамблининг кўзгуси бўлган мана шу рақсларни Мукаррама Турғунбоева ижод этди. Бу рақсларни унинг фарзанди дейиш мумкин. Ансамбль Турғунбоеванинг ташаббуси билан бундан ўн йил илгари бунёд этилган эди. Шу вақт мобайнида Турғунбоева унга раҳбар ва балетмейстер бўлиб келди. Ансамбль учун кўлаб

рақс яратилди. Бу аjoyиб хореографик миниатюраларда ўзбек халқ рақсининг энг яхши анъаналари билан замонавий рақс қўшилиб кетган. «Пилла» рақси меҳнат гимни бўлиб қолди. Ансамбль «Пахта» рақсини ижро этаркан, саҳна улкан пахтазорга айлангандек бўлади. Коллективнинг хореографик эмблемаси бўлиб қолган «Баҳор» вальси ижро этилганда эса ўзининг гўзаллиги ва шеърлият оламига кириб қолгандек ҳис қиласиз.

Турғунбоева Тошкент хореография билим юртида ўқитувчилик қилганда, истеъдодли ижрочиларнинг бутун бир авлодини тарбиялади. Унинг кўпгина ўқувчилари «Баҳор» ансамблининг қатнашчилари бўлдилар. Яқиндаги ансамбль сағнага хореография билим юртини битирган янги вакиллар келиб қўшилди. Улар гарчанд диллом олган бўлсалар-да, ҳамон ўзларини ўқувчилар деб билишади. Мукаррама Турғунбоева сингари санъат сирларини чуқур ўрганганини оруз қилишади. Мукаррама онанинг ўзи ҳам ёшларга ижодий лабораториясини очиб кўрсатади, ўз тажрибаси ва билими билан ўртоқлашади.

Турғунбоева ўзи севган санъатга қирқ йилдан ортиқ умрини бағишлади. Фаргона ақинидаги ансамбль тутилган ва ота-онасидан эрта етим қолган қизчани қаришдошлари тарбия қилишди. Бу пайлар дин қаттиқ, аёллардан қулликни талаб қилувчи замоналар эди. Мукаррама эса катта оруз билан яшар, раққоса бўлишни истарди. Бунга у осонликча эришмади. Эскиликка қарши курашган ўзбек аёли қандай тўсқинларга дуч келса, у ҳам шундай

В. ИБРОҲИМОВА.



